
БЕЗОРИГА ЖАЗО ТАЙИН

Юртимизда ҳозир коронавирус пандемияси сабабли жорий этилган карантин давом этмоқда. Мана шундай оғир, синовли кунларда барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз зарур. Шукрки, элимиз меҳр-оқибатли, саховатли. Шу кунларда нафақат, пандемиядан, шунингдек, сув тошқини, кучли шамоллардан жабр кўрганларга кўрсатилаётган ёрдамларни кўриб хайратга тушасан, киши.

Қаранг, бир-бирини билмайдиган, танимайдиган, етти ёт кишилар ҳам

жабр кўрганларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар вакилларига ёрдам

қўлини чўзаётган бир пайтда Тарғова қишлоғилик Дониёр Сидиқовнинг қилган хурмача қилиғини кечириб бўлармикан?

У шу йил 29 апрель куни соат 15:00 ларда карантинли ва инсон ҳаёти учун

хавfli юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши мумкин бўлган шароитда амалдаги талабларга зид равишда спиртли ичимлик истеъмол

қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қўпол тарзда бузган. Шу куни

Д. Сидиқов маст бўлгани боис арзимаган нарсадан жанжал кўтаради. Яшаш

уйида бақир-чақир қилиб, оила аъзоларини, қўни-қўшнилариининг тинчини

бузади. Ёши улуғларнинг панд-насиҳатларига, воқеа жойига етиб келган

профилактика инспекторининг тушунтиришларига қулоқ солмайди. Уларни

куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди, ички ишлар ходимининг

қонуний талабини бажармайди. У ўзининг бундай хатти-ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 54-моддасининг 1-қисми, 183-моддаси ҳамда 194-модданин 1-қисмида кўрсатилган

ҳуқуқбузарликни содир этди. Суд Д. Сидиқовнинг қилмишини ҳар томонлама

муҳокама этиб, унга нисбатан 15 сутка муддатга мажбурий қамоқ жазоси та-

йинлади. Шу билан бирга жазо муддатининг ҳар бир суткаси учун белгиланган миқдорда қамоқ ҳаражатлари ҳам ундириладиган бўлди.

Спиртли ичимлик инсоннинг фикрлаш қобилиятини сусайтиради, онгини сўндиради. Ичкиликка муккасидан кетган киши одамийликни йўқотади.

Унинг рўзғоридан файз-барака кўтарилади, яқинлари билан муносабатига

дарз кетади. Д. Сидиқов билан ҳам шундай ҳолат содир бўлди – у оиласида,

махалла-қўй ўртасида ҳурматини йўқотди, эларо шарманда бўлди. Ҳаёт тарзининг бу ҳолда кечишига эса унинг ўзи айбдор.

“Одобни одобсиздан ўрган” – дейишганидай, бундайларнинг номаъқул хатти-ҳаракати бошқаларнинг кўзини очса, ажаб эмас. Ў. ПЎЛАТОВ,

туман маъмурий судининг раиси.

2020-05-28 10:00:53